

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

И.А.Каримов



2015/04 №24

IJDIDY PAHVOD

O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat institutining ta'naviy-
ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasи

9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Соҳибқирон Амир Темур ва мусиқа

Мусиқа — илоҳий туйғуларни күй ва оҳанг воситасида зоҳирӣ намоён бўлишидир. Күй ва оҳанг инсоннинг сўз орқали ифодалаб берада олмаган туйғулари, ички кечинмалари ва дардларини ифодалай олуви чиҳни илоҳий неъматидир. Мусиқанинг мана шундай «илоҳий неъмат» эканлигини англаб, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида унинг ривожи учун катта имкониятлар яратиб берган. Бу ҳақида тарихчи Ибн Арабшоҳ ва Бухоро жадидлари етакчиси АбдурауФ Фитрат қизиқарли маълумотлар беради.

Амир Темур ташабуси билан Ислом шарқининг ҳар томонидан келтирилган чолғучилар ўзбек мумтоз мусиқасини юксалишига хизмат қилидилар. Улар қолдирган билимлар натижасида юртимиздан етук мусиқачилар етишиб чиқди. Мана шундай мусиқачиларнинг етишиб чиқиши ва мумтоз мусиқамизнинг ривожига катта таъсир

кўрсатган мусиқачиларни тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» асарида айтиб ўтади. Амир Темур уларга ижод қилишлари учун барча имкониятларни яратиб беради. У туфайли мусиқачилар бу даврда юксак муваффақиятга эришидилар.

Амир Темур чолғу созларини жамиятдағи ва ҳарбий фаолиятдаги мансаб ва дараҷани белгилашда, шу билан бирга, ҳарбий жангларда ҳам ундан «кўзга кўринмас курол» сифатида фойдаланишига алоҳида эътибор қаратди. У бирор ҳудудга юриш қилишдан олдин ўша ҳудуд чегараларига карнай, сурнай, довул, табл, ногора сингари чолғуларини жойлаштирган ва эрта тонгда улар бирдан чолғуларни бор овозида чала бошлишган. Натижада, душманда ваҳима ўйғонган. Темур қўшинидаги ҳар бир ҳарбий бўлинма бошлиқларининг ўз

лавозимларини билдирувчи чолгулари бўлган. Шу боисдан рақиб бизни катта қўшин қўршаб олибди, дея ўйлаган ва жангиз таслим бўлган. Бу билан эса қанчадан-қанча инсонлар ҳаёти ва ўша ҳудуддаги маданий ва маърифий мерос сақданиб қолинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиёда санъат, маданият, маърифат ва бошқа кўпгина соҳаларнинг энг гуллаган ва тараққий этган палласи бўлиб, XVI асрнча, Хиндистонда эса XVIII асрда қадар тарих саҳнасида ўз таъсири ва ўрнини сақлаб келди. Ушбу давр бугунги XXI асрда қадар ҳам Фарбу Шарқ учун бирдек аҳамиятли ва қадрлидир. Соҳибқирон авлоди бўлган ҳар бир ўзбек фарзанди Амир Темур сийомосини чуқур ўрганиши лозим. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов



айтганларидек: «Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир».

Машраб МАМАТОВ
Чолғу жамоаларига раҳбарлик бўлими 3-курс талабаси



ИНСТИТУТДА НАВРУЗ

Халқимиз орасида «Тўйлар тўйларга, байрамлар байрамларга улансан» деган эзгу тилак бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Зоро, осмони мусаффо, тинчлиги барқарор юртдагина ёдиён-наларнинг кети узилмайди, байрамлар байрамларга уланади. Хусусан, 2015 йил 29 марта — институтимизда ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни юқори савиядада ўтказили. Бунинг асосий сабаби барчамиз юртимизнинг тинчлиги, ҳаётимизнинг фаровонлигига йўлида жон кўйдирб, халқимиз фаровонлигини таъминлаётган инсонга овоз бердик. Шу билан бирга демократик сайлов жараёнларини кузатиш мақсадида келган хорижлик меҳмонлар институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев бошчилигига кутиб олинди. Бу тадбирга Наврӯз байрами уланиб кетди. Байрамона безатилган институтимиз ҳөвлисида карнай-сурнай садолари остида меҳмонлар Наврӯз байрамига бағищланган концерт дастурига ва миллий таомларимиздан тайёрланган Наврӯз дастурхонига таклиф қилинди.



Бу байрамларни тантанали ўтказишида институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари фаол иштирок этдилар. Наврӯз дастурхони тайёрланди. Институт талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага манзур бўлди. Айниқса, миллий куй ва қўшиқлар янграганда хорижлик меҳмонлар ҳам рақсга тушиб кетди. Анъанага кўра бундай тадбирлар институтимизда мунтазам ўтказиб келинмоқда. Кечада мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар, жаҳон репертуарига кирган рақслар ва миллий рӯҳдаги ҳалқона ўйинлар намойиш этилди. Ҳалқ ижодиётни ва анъанавий қўшиқчilik кафедраси талабалари тайёрлаган концерт дастури байрамни янада жозибали ўтишига сабаб бўлди. Яна бир бор ҳалқимиз, қолаверса, институтимиз раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва талабаларни Наврӯз байрами билан табиқлаймиз.

Умид ШОХЎЖАЕВА

Касб таълими: Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик бўлими 2-курс талабаси

НАВРУЗ САЙЛИ

2015 йил 29 марта куни Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Наврӯз сайли» муносабати билан катта тадбир бўлиб ўтди. Институт жамоаси тадбирга қизгин тайёргарлик кўрди. Шу куни эрта



тонгдан барча кафедралар ҳар йилдаги анъанани сақлабоғи ҳолда ўз байрам дастурхонларини баҳорий таомлар билан беъзатди. Дастьурхондаги кўк сомса ва чучваралар, юпқа, гилминди ва салатларни кўриб кишининг баҳри-дили очилади. Институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг атлас ва адрасдан миллий либослари барчага байрам кайфиятини улашди. Шу кунга атаб катта дошқозонда пиширилган сумалакдан барча баҳраманд бўлди ва у байрам дастурхонига янада кўрк бериб турди. Айниқса, Фарруҳ Этамбердиев бошчилигидаги ижодий турӯз томонидан тайёрланган концерт дастури катта-ю кичикка бирдай маъқул бўлди. Тадбирда фольклор ҳамда болалар жамоалари томонидан янграган куй ва қўшиқлар иштироқчиларга кўтаринки кайфият улашди. Айниқса, фольклор жамоалари томонидан тайёрланган рақслар, ҳалқ термалари ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда ижро этилган «Ҳилолим», «Шўхи париши», «Таманно», «Раъно», «Боғда булбул», «Ҳилила ёрим» каби қўшиқлар ва бир қанча эстрада йўналишида ижро этилган ашуулалар барчага манзур бўлди.

Барно ЧОРИЕВА
Халқ ашула ва рақс ансамбларига раҳбарлик бўлими 4-курс талабаси

«ДИЙДОР» БИЛАН ДИЙДОРЛАШИБ...

24 марта куни институтимизнинг санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси ташабуси билан ўкув театрида Ўзбекистон ҳалқ шоири Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Дийдор» театр студияси томонидан «Ёдим синиклари» номли спектакль намойиш этилди. Режиссёр, Ўзбекистон ҳалқ артисти Баҳодир Йўлдошевнинг ушбу спектакль премьераси юртимиз пойтакти ва вилоятларида намойиш этилган бўлиб, эндилида бизнинг муқаддас саҳнамизда ҳам ижро этилди. Спектаклда бош ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Йўлдошева ижро этган. «Ёдим синиклари» спектакли шоиранинг бағищланган бўлиб, унда Зулфияхоним ўтмишидан ўтган кунлар бир-бир ёдга олинади.



Жонли хониш, дутор куйи ва лирика спектакль руҳига руҳ қўша олган. Айниқса, ёш актёр Илёс Арабов ҳалқимизнинг севимли шоири Ҳамид Олимжон тимсолини ўзгача талқин эта олди. Бош роль ижрочиси Гулбаҳор Йўлдошевнинг шеърий композицияси барчани лол қолдирди. Туйгулар уммонига фарқ бўлган шоиранинг чексиз хотирий хаёлоти, қалб кечинмалари, ижодий портрети, ҳаётий тимсоли ёрқин намоён бўлди.

Спектакль намойишидан сўнг ижодкорлар билан томошабинлар ўтрасида қизгин сұхбат бўлиб ўтди. «Дийдор»чиларга бундан кейинги ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 2-курс талабаси

Мехридарё инсон

Инсон танлаган касбига меҳр қўйса ва ўз мақсадига эришиш учун барча қийинчиликларни сабот билан енгса, жамиятда ўз ўрнини топади. Бу касб баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ бўлса, янада масъулиятли. Ўсиб келаётган ниҳолни қандай парваришиласанг, кун келиб меваси ҳам шунга монанд бўлади.

Ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган инсон, тинимизиз меҳнатининг ортидан катта муваффақиятларга эришиди. Шундай инсонлардан бирни меҳридарё, жонкуяр устоз, вокал кафедрасининг катта ўқитувчиси Дилбар Маликовадир. У 1957 йил 25 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1964 йилда ГЛИЭР номли маҳсус мусиқа мактабининг фортипиано бўлимига ўқишига кирган. Шундан сўнг 1975 йилда Тошкент Давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги бўлимига ўқишига кириб, мазкур олийгоҳни 1981 йилда имтиёзли диплом билан тамомланган. Ўз меҳнат фаолиятини 1981 йил Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси қошидаги хизмат кўрсатган хор жамоасидан бошланган. 1982-2001 йилларда эса «Булбула» болалар хорига раҳбарлик қилган. Шу йиллар мобайнида 200 га яқин ўзбек

ва европа композиторлари қўшиклигини Ўзбекистон телерадиокомпаниясида магнит тасмаларига ёзирирган. У раҳбарлик килган ушбу жамоадан етишиб чиккан кўплаб санъаткорлар ҳозирда



хам турили санъат жабхаларида халқимизга хизмат қилиб келишмокда. 2006 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг вокал кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Ўз педагогик фаолияти давомида кўплаб илмий мақолалар ёзи. «Мустафо Бафоев ижодида мусиқалии драманинг ўрни», «Ария ва унинг турлари ҳақида», «Аёллар овозидаги ўтиши

ноталари устида ишлашда бъзи услубий тавсиялар» шулар жумласидандир. 2012 йилда давлатимиз томонидан Дилбар Маликованинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб, «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Бугунги кунда эса институт талабаларига вокал, дирижёрлик, хор синфи фанларидан сабоқ беришдан ташқари кафедра ёш ўқитувчilarидан ҳам ўғитларини аямайди. Дилбар Маликованинг кўплаб шогирдлари республикамиз санъат даргоҳларида, театрларда, телевидение ва радиода фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Дилфуз Раҳимова, Дилноза Исмияминова, «Ниҳол» мукофоти совриндори И. Сайдумаров, хонандада Фарҳод Саидов, «Севинч» болалар эстрада турлари раҳбари Саодат Музаффарова ва бошқа бир қатор шогирдлар шулар жумласидандир. Улар ўзларининг ижодий фаолиятларида устозлари Дилбар Маликованинг ўғитларидан унумли фойдаланган ҳолда кўплаб муваффақиятларга эришмокда.

Меҳридарё инсон, жонкуяр устоз Дилбар Маликованинг барча ҳамкаслари ва шогирдлари хурмат билан тилга олишиди.

Дилмурод УЗОҚОВ
Вокал кафедраси ўқитувчisi

АЛП АЖДОДЛАР ИЗИДАН

Адабиёт шунчалар катта уммонки, унинг поёнига этиши кийин. Ана шу уммонни обиҳаёт билан таъминлаб турадиган катта бир ирмоклардан бири, оддий кўз билан қараганда осон ва ўз навбатида мураккаб бўлган адабий тур бу — драматургияидир. Атоқли театршунос олим Тоир Исломов «Драма ёзиш ниҳоятда ўзига хос, ҳамма қалам соҳибларининг ҳам кўлидан келавермайдиган ижод тури ҳисобланади», — деб айтган эди. Дарҳақиқат, драма ёзиш учун, аввали, истеъод, чукур билим ва катта ҳаётий тажриба керак.



Ағуски, бутун драматургиямизнинг савиаси ҳавас қиласидиган даражада эмас. Айниқса, драматургларнинг янги авлодини камолга етказиш, уларни профессионал ижодий жараёнга жалб қилиш долзарб аҳамият касб этаётир. Ҳамма вақт театр репертуарларини профессионал, гоявий ва бадиий пухта асарлар билан таъминлаш мұхим бўлгани сир эмас. Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш ҳамда ўз драматургларни шакллантириши мақсадиди. Ўзбекистон Дарават санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда «Драматург +...» тўғрагини ташкил этди. Бир неча йиллардан бери фаолият олиб бораётган тўғрагак ўз атрофига кўплаб ҳаваскор ва шу соҳада таҳсил олайтган талабаларни тўплadi. Уларнинг сафи тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. Адабиётшунос олим, драматург Шуҳрат Ризаев бошчилек қиласидаги тўғрагак ҳафтанинг ҳар сесланба куни бир қатор ижодкорлар даврасида бўлиб ўтади. Унда устоз драматург Эркин Самандар ёш ижодкорлар билан драматургия ҳақидаги билимларни ўртоқлашса, Матъур Умаров назарий билимлар билан асар ва унинг курилиши, воқеалар ривожи, асар композицияси ҳақида сухбатлашидилар. Бундан ташқари семинар дарсларида йил давомида мұхқома этилган Умид Икромнинг «Юз йилдан сўнг», Нодир Мажиднинг «Ватанфурӯшлар қисмати», Азизбек Курбоновнинг «Сигирнинг шохи синсин», Ўзбектош Қиличининг «А саройи сирлари», Гулмехра Истамованинг «Орзу бўги», Саодат Муродованинг «Алла» каби бир қатор мавзуларга бағишлиланган пьеса, кино ва мультсценарийлари фаолият олиб бораётган тўғрагакнинг мевалари десак, адашмаган бўламиз. Ишонамизки, юқорида келтирилган асарлар театр ва катта экранларда ўз томошабинини топмасдан қолмайди.

Азизбек ҚУРБОНОВ

Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими
3-курс талабаси

Мутолаа — тафаккур тұмшасы

XXI аср техника ривожланган аср. Буни дунё аллақачон тан олиб бўлди. Бугун ҳаётни оддий айрим бояча тарбияланувчилари ҳам уяли телефон ва компютер билан бемалол «тиллаша» олади. Улар бугуннинг болалари. Улар эртамиз әгалари. Ана шулар ҳақида ўйлаганимизда, уларнинг маънавий камолоти борасида фикр юритмасликнинг иложи ўйқ. Бугунги авлод улуг аждодлари миз яратган маънавий меросдан хабардорми? Бу муаммо ҳақида сўз кетганида, ҳаёлимизга китоб мутолааси келади. Аслида китобсиз дунёни тасаввур қилиши кийин. Инсоният єриштан барча ютуқларнинг илдизи китобга бориб тақалади. Космик кемасининг ердан кўтарилишидан тортиб, саноқли дақиқалар ичизи дунёning нариги четидаги инсон билан «боғлаб» берадиган уяли телефонгача. Бу ҳақида кўп ва хўп фикрлар ёзиш мумкин. Янги аср янги муаммоларни пайдо қиласиди. Техника ривожланмоқда, лекин маънавият қашшоқлашмоқда. «Оммавий маданият» деган бало дунёга хавф солмоқда. Бу фожиаларнинг илдизи ҳам китоб мутолаа қильмаслика бориб тақалади. Тан олиб айтиши керак, инсоният китобдан тобора йироқлашиб бормоқда. Бу салбий ҳолат нафақат ёшларда, балки катталаarda ҳам содир бўлмоқда. Интернет, телевизор, кўнгилор кинолар одамларнинг вақтини ўғирламоқда.

Китоб мутолааси учун эса вақт қолмаяти. Илгариги вақтларда оила аъзолари, кўни-кўшнилар кечалари лампа чироқлар ёрдамида «Ўткан кунлар», «Гўруғли», «Алпомиш» каби асарларни ўқиган бахшилардан достонлар тинглаган дессангиз, ҳозирги ёшлар ишонмайди. Одамлар китоблардан йироқлашмоқда. Бунинг сабаблари кўп. Энг аввало, китобга меҳни фарзандларинизга болалиқдан ўргатишмиз керак, деган сўзларни ўшитамиз. Бу гапларда мантқи бор. Бу борада уларга ўзимиз ўрнак бўлишимиз керак. Бунга єришиш учун аввало, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, «Ҳар қандай китобхоник, мутолаа маданият болалиқдан бошланишини доимо ёдда туттишишим лозим». Китоблар инсониятнинг бебаҳо бойиги. Китоблар беминнат хизмати эвазига ҳақ сўрамайдиган, маънавиятимиз учун хизмат қиласидан қайнар булоқ ва очил дастурхондир. Улардан қандай фойдаланиш ўзимизга бояғи.

Феруза АБДУЛЛАЕВА
Санъат ва маданият соҳаси менежменти йўналиши 1-курс магистранти

Саҳнанинг ўз тили бор



Театр санъатининг маҳсулни бўлмиш спектакль томошабинлар ётиборига намошиши эта бошлагандан тортиб, бугунги кунга қадар бир неча ривожланниш босқичларидан ўтиб келмоқда. Томошабин ётиборига ҳавола этиладиган спектакль учун кўплаб ижодкорлар меҳнат қиласиди. Бу ижодкорлар: драматург, режиссёр, актёрлардир. Ана шу уч бирлик бир нуқтага бирлаша олсагина, ажойиб саҳна асари пайдо бўлади. Мазкур ижодкорлар ётиборига ҳавола этишиди.

Куни кеча институтимизда 3-курс касб таълими: режиссёрлик бўлими талабаларининг актёрлик маҳоратидан диплом спектакли бўлиб ўтид. Улар Михаил Булгаковнинг «Зоя хонадони» номли асарини саҳналаштириб, устозлар ҳамда талабалар ётиборига ҳавола этишиди.

Зоя Денисовна ролини Камолиддинова Азиза, Партурея ролини Якубов Отабек (касб таълими: актёрлик гурӯхи талабаси), Александр Аметистов ролини Умархонов Анасхон, Манюшка ролини Содикова Рано, Павел ролини Зокиров Нуриддин, Алла Вадимовна ролини Султонова Шаҳло, Борис Семёнович Гус ролини Холмуродов Тўлқин (драматик кино ва кино актёrlиги талабаси), Хитойликлар ролларини эса Мингбоева Лобар ҳамда Комилова Моҳинурлар ижро этдилар.

Асар воқеалири асосан Зоя хонадонида кечади. Унинг қисқача сюжети ҳам Зоя хонадонидан бўлиб ўтган жинон ишларнинг очиб берилшишига қаратилган. Тикувчилик хонаси деб номланган бўлса-да, аслида, фоҳишаҳона ва фирибгарлик маска-нинг айланниб кетган хонадон ва унинг ташкилотчilari Зоя ҳамда Амистовнинг қилим ширини очишига қаратилган. Пул топиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кимсаларнинг тақдири ва атрофга етказаётган зараплари кўрсатиб берилган.

Режиссёр бўлишиларига қарамай актёрлик маҳоратини пухта егаллаган хитойликлар ролини ижро этган қизларнинг иқтидорини алоҳида айтиб ўтиши жоиз. Аммо камчиликлар ҳам ўйқ эмас. Масалан, боз қаҳрамон Зоя ролини ижро этган Камолиддинова Азизанинг сўзларида чет тилидан ўзлашган сўзларнинг талафузида қўйналиш, Партурея ролининг ижроши Якубов Отабекда эса шевага хос сўзлар кўплигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Муқаддас саҳна ҳар қандай сўзларни ҳам қабул кўрсатиб оғозишини топади. Бадиий сўз ҳар қандай спектакльнинг кўрсатиб оғозишини топади. Шундай экан, саҳнанинг ўз тили бор ва безаги ҳисобланади. Шундай экан, саҳнанинг ўз тили бор ва унга барча ижодкорлар риоя қилиши лозим.

Махфузा АППУРОВА
Театршунослик бўлими 2-курс талабаси

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИЛИК» XII ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Яқинда ёшлар ижод саройида Ўзбекистон савдо-санаот палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигига «Таълим ва мутахassislik» XII халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмага 70 000 нафардан зиёд ёшлар таъшириф буорди. Кўргазма давомида мамлакатимизда ёшларнинг камолоти йўлида қилинаётган кўплаб эзгу ишлар, бирбиридан кўркм таълим муассасалари барпо этилаётгани, таълим муассасаларида ёшларимизнинг билим олишлари учун етариғ шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар берилди, шунингдек, ёшлар ўзлари қизиқсан соҳалар бўйича батағсил маълумотга эга бўлдилар.



Кўргазмада кўплаб корхона ва ташкиллар, олий таълим муассасалари, шулар қаторида Ўзбекистон Дарават санъат ва маданият институти ҳам иштирок этди. Санъат ва маданият соҳасига қизиқувчи ёшларимиз институтда фаолият кўрсаётгандан таълим вазирлиги 2000 мингдан ортиқ институтимиз ҳақида маълумотлар жамланган буклетлар тарқатилди. Айниқса, кўргазманинг иш жарабёнида институт талабаларидан ташкил топган «Файзинур» ансамблиниң ижодий чиқишилари иштирокчилар ва хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бу каби кўргазмалар ёшларимизга ўз касбини танлаши учун катта имкониятлар эшигини очади, десак муболага бўлмайди. Кўргазма якунидаги иштирокчиларга маҳсус сертификатлар топширилди.

Бахтиёр ЗАРИПОВ

Умумий бўлим маркетинг хизмати катта инспектори



РЕЖИССЁР БУЛ КИМ?

Театр бул – халықтын айнасы. Бул төберик дәргайдың күншадан кашна спектакльдер койылып, оларды уллы актёр ҳәм актирасалар тәрепинен өз жокары шынына жеткерилип ойнаған спектакльдерди көрер екенбиз ҳәр бир инсан озине мәдений ҳәм рүххүй азық алатуғының шеш бириимизге сыр емес. Театр саҳнасында койылып атырган спектакльдер, көплердин мийнети аркасында дүньяга келеди. Ал, биз тамашагойлер болса тек оларды таяр халында көрүгө әдетленгенбиз.

Спектакльдерди тамашалау ўактында сахна безеклерине (декорация), актёр ҳәм актрасалардың аткарыш шеберлигине калаберсе сол жерде болып атырган ўакыялар итибарымызды тартыўы тәбий.

Бирак көпшилигимиз узын саңналастырган шығарманын режиссёри ким? скенниги ҳақында онша қызыға бермеймиз. Расында да режиссёр – бул өзи ким? Ол кандай үазыйпаны аткарады ҳәм оның жұмысы нелерден ibarath? Режиссёр сөзинин мәниси кандай ҳәм ол ең дәлел қай жерде пайда болған? Келиң узын сораулағра азырак жуғап излеп көремиз? Бизге мәлім болған тарийхий мағлұмаларда карағанда «режиссёр» деген сөз ен бириңнәр мәртебе XVII ғасирде Францияда пайда болған, француз тишинде «гейжесвн» деп аталған. Соң бул қасиپ XVIII ғасирдин ақырларына келип Германия театрларында рауажалана баслаған. Оның ен баслаушыларының бири немең философы, жазыўшы Гёте болған. Гётеден кейин, бул басламаны Германияда дауам еттирген Экгоф, Шрейдер, Шрейфогель, Иммерман, Лаубе деген атақты жазыўшылар болған.

Ал карақалпак театрында режиссюра кашан қелип лести? 1920 жылда бир қашна дөретиүни жаслар тәрепинен «Таң нұры» театр труппасы дүзилди. Оның бириңи шөлкемлестириүшілери Зариф Фатихович Қосимов ҳәм Абдираман Отеповлар болды. Режиссюра арнаулы қасиپ сыйнтында 1930 жылдан баслаш халықта таныла баслады. Бирак оның үазыйпаларын театр директорлары, драматурглер, актёрлар ҳәм сүфлөрлар аткарап еди. 1939 жылда ноябрь айында карақалпак мәмлекеттік театрына Москвадан арнаулы оқыуорынын піктепер келген жергилики жасаладын Төреш Алланазаров, Юлдаш Шарипов, Сапар Хожаниязов, Юлдаш Мамутов режиссёр етиш тайынланды. Олар 1939-1940 жылдар дауымында А.Бегимовтың «Көрліктан азат» «Бул ким?» М.Дарибаевтың «Коқлен батыр», «Арман» Р.Мажитовтың «Қара жүреклер» ҳәм Н.Дауқараев «Алпамы» пьесаларын театр репертуарында кояды. Ал кейин жылларда Рейимбай Торенизов, Куатбай Абдирайымов, Нажматдин Аңсағтаев, Азат Шарипов, Бајетдин Баймурзаевлар карақалпак мәдений режиссурасының рауажаланышына өз улеслерін көсиp көлмекте.

Жүйемен айтқанымызда жүртбасшымыз И.А.Каримов айтқанымыздай «коркем өнер ҳәм мәденият сыйытты құдіретті қүш арқалы инсан қалбине жек табыў турулары сөз етер екенбиз, ҳәммемиз жақсы түсингемиз, ҳәр қандай талант шиеси озине тән бир дүнья, сол себепті дөретиүшілек кәйіміне қандайда бир ақыл үйретиў, ең тийкарғысы, олардың басқарыў мүмкін емес» дег жазады.

Айсанем ҚҰРБАНАЗАРОВА
ӨзМКӨМІ Нөхис филиалы Драма театр ҳәм
кино актёрлары қәнигелігінин 4-курс талабасы

МАҚСАД САРИ ИНТИЛАЙК— МУВАФФАҚІЯТ ҚАЛИТІ ҮЗ ҚҰЛІМІЗДАДЫР

Биз талабалар бугун ёшларға қаратылаётган әтиборнинг қадрига етиб, мәдений мұстақиллік ғоялар руҳыда камол топишимиз, әнг аввало, мұстақиллік, мұстақил давлат, мүлкій мұстақиллік, адолат, аңынаналар, умуминсоний аңынаналар, мәдений аңынаналар, Ватан түйгүсі, Ватанға мұхаббат, ватанпарварлық, фидойлық, инсонпарварлық, мүллійлік, мүллій онг, мүллій үзлини англаш, қадрияттар, мүллій қадрияттар, манфаат, мүллій манфааттар, мүллій түрүр, үрф-одаттар ва расм-русумдар, маңынавіт, мүллій гоя ва бошқа қатор асosий түшнчаларнинг мазмун-мохияттын түшнүтири беришлар зарур. Биз эса ўз навбатида яхши ўқувчи, яхши талаба бүлмогимиз даркөр ва ҳар доим ўқиб, ўрганиб, әзгулық сары интилиб яшашымиз керак. Зоро, ишонч ва мақсад бизга бағыттады. Үз келажагини белгилаб олғанлар эса келажакка үмид билан қарашади, ҳаёттій мақсадлари уларға илхом бағылшайды.

Ҳаёттада бирон бир муваффақиятта әришган одамларнинг аксарияти яхши китобхон бүлишшанды. Уларнинг билимгә чанқоқлиғи ўқишига үндаган, чунки улар бутун дүннелімі фақат китобларда мұжассамлигини яхши билишади. Инсонға камол топиши ўйларини аниқ-равшан ифодалаб берувчи минглаб китоблар чөп этилған, лекин ағасуски, бу хазинадан фойдаланаман дегендар унчалик күп эмас. Китоб ўқишига, билим олишга киришмаслик учун мінг хил бағона топиши мүмкін. Асosий бағона — вақт ўйқылығы. Лекин ўқишига күнінде 10 дақықа ажратылған вақт кези келгандың ўн үйлік мәхнат самаrasини бериши ёки қанчадан-қанча хатоларнинг аччиқ мөвасиини тотишдан халос қилиши мүмкін. Билим, зүкколик, қадрияттар етишмаслығы — буларнинг бары одам китоб ўқымағанлығыннан натижасыдады.

Нилуфархон ЗАРИПОВА
Маданият ва санъат муассасаларини
ташқил этиш ва бошқарып
бүлими 1-курс талабасы

МУСИҚА — ӘЗГУЛИККА ЕТАКЛОВЧИ КУЧ

«Давлатнинг куч-құвваты үнда қандай мусиқа янграёттанига түғридан-түғри боғлиқдір», деб әзған экан буюк файласуф Афлотун. Албatta, бу иборанынг мәғзиниң қаңқасақ, мусиқаның жамият ва инсон қаётадаги ўрни қанчалық мұхим қаёмият касб этишиниң аңдасынан.

Мусиқа — заковатға сайқал берувчи, илм оламининг сархадсиз дүнёсиге мұхаббат билан етакловчи күч. Биз толиби илмлар бир күнни юзлаб олиб борылған машүүләрларда қаноат билан, эринмасдан ўргансак, қақиқиқ күнімдегі қыламасы.

Мусиқа — унга мәхр қўйған қалбларга гўзал фазилатлар уруғини берувчи беназир тарбия воситаси ҳам.

Хар куни дилбар наволар тарапувчи хонағонда камолга етган фарзанднинг юрагидаги мәхр әзгуликка рағбат мусиқага мәхр үйғотади, ўзгаларнинг дарду дүнёсини хис этиш, тинглаш ва тушунишга үндайди.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда «оммавий маданият» инсон қалбы ва онгниң эгалловчи, айниқса, ёшларни жиноят сари үндөвчи күчлар кундан күн ривож топмоқда, лекин мусиқий таълим-тарбия топған инсонлар орасында бундай күчага киругчилар камданкам учрайди.

Мусиқа дилни-дилга, миллатни-миллатга боғловчи қудратли восита. Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг



қуидаги боқиқи ғикрларында буның тасдиқ-лайды: «Бу ёргу оламда тили, дини ва урғодати турлича бўлган юзлаб миллат ва элатлар яшайди, лекин уларнинг барчасини бирлашиб тарадиган қудратли восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: «бу — мусиқа, бу — оҳанг, бу — марона».

Мусиқа тараққиёттинг ҳам бешиги: истеъодот камолоти, юртдаги тинчлик, осойиштапиқ, яратилаёттани имконият ва фамхўрликлар билан чамбарчас боғлиқ. Биз талабалар ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, устозлар сабоғини дилга жо қилиб бугун байрамлари байрамларга уланаёттган Ўзбекистон саңаларидан қадимий наволар, Ватан кўрки, тароватининг мадҳи, улуғворлик нағаси билан йўғрилган куй-қўшиқлар яратиб, юртимиз қудратини оламга овоза этадиган шахслар бўлиб этишиши мизга шубҳа йўқ.

Зотан, мамлакатимизда мусиқа санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда.

Аслиддин ШАРИПОВ
Фольклор-этнографик жамоаларига
рахбарлик бўлими
2-курс талабаси

АФАНДИНИНГ БЕШ ХОТИНИ

Хўжа Насриддин азалдан ўзбек халқынинг соддадиллиги, тадбиркорлиғи ва донишмандлигининг тимсоли бўлиб келган. У билан боғлиқ ҳангомаларнинг баридан турмушнинг майший мавзулари қатори, жамиятнинг аччиқ ҳақиқатлари ҳам соғ ҳалқона юмор воситасида очиб берилади. Латифаларнинг баридан у устомон, ҳар қандай мушқул мумаммога ечим топа олади. Бироқ драматург И.Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» асари асосида саҳналаштирилған 3-курс касб таълими: актёрлик ва режиссёрлик бўлими (рус түрүх) талабалари ижроидаги диплом сеңектаклидаги Афандининг позицияси бироз бошқача. Бу сафар унинг ўзи мушқул аҳволда қолади.



Л.Иванова (Фотима), С.Халикова (Таманно), Р.Муксимова (Зубайда)ларнинг ижроси ҳақида ҳам шундай дейиш мүмкін. О.Зулимов (Гулом), А.Ахматов (Ҳасан)ларнинг ижросида эса аввалин ролларида кузатилмаган бурилиш юз берган, ижро ҳамда қиёға ўзгартириш борасида дадил қадам ташланған.

Диплом спектаклиниң асосий ютуғи, ундағы аксарият талабаларнинг инди-

видуал қобилияти яққол намоён бўлганидир. Ҳар бир талабанинг ижроисида ўзига хос ёндашув, маҳоратни сезиш мүмкін. Айниқса, С.Азамова (Жаннатой) ва М.Исаева (Тўтихон)ларнинг ижодий топилмалари спектаклининг томошавийлигини таъминлаш баробарида ёрқин таасисуротларни ҳадя этиди.

Әнг муҳими, драматургик материалнинг бойлиги, ундағы характерларнинг ранг-баранглиги актёрларни ўз үстида ишлашга, ўз иқтидорларини түлиқ намоён этишга имкон берган. Талабалар зиммаларидаги вазифаларни адоға этишида комедия талабаларидан оғишмай, олтин ўрталикни сақлаган ҳолда асар гоясини енгил, томошавий ўйлабилан сингдиришга уринганлар.

Бир сўз билан айтганда, спектакль томошабинларда илиқ таасисурот ўйготди ва қизғин руҳда қарши олинди.

Умид ҲАСАНОВА
Таҳририят ва нашриёт бўлими
муҳаррири

РАҚС САНЪАТИ ВА ЁШЛАР

Рақс — санъатнинг энг умумлашган ва энг эмоционал турлардан бири бўлиб, үнда эстетик идеални кўз билан кўриш мүмкін. Рақс санъати ёшларни жисмонан ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи ва ҳамиша бунёдкорлик кайфиятини уйғутувчи.



чи санъатdir. Рақс санъати билан шуғулланувчи ёшлар жисмонан бақувват, руҳан тетики, иродали, жўшқин ва файратли бўлади. Ўзбек милий рақс санъатининг даргалири Уста Олим Комилов, Тамараҳоним, Мукаррама Турғунбоеva, Исоҳор Оқилов, Кундуз Миркаримовалар томонидан яратилган меросий рақслар хозирги кунда ҳам рақсодаларимиз томонидан ижро этиб келинмоқда. Буларга «Муножот», «Тановар», «Пилла», «Фарғона робоийси», «Пахта» ва бошқа рақсларни мисол қилиб келтиришимиз мүмкін. Бу мерос бўлиб келаёттган рақслар ўзининг ўзбеконалиги, ижронинг гўзалиги, рақса мос кийимларнинг ўйғулиги, рақса тасвирланган аёлларнинг орзистаклари, ҳаёттй кечинмалари моҳирлик билан тасвирланган. Бу рақслар ўлмас асарлар бўлиб яшаб келмоқда.

Ҳозирги кунда саҳна ҳаракати кафедраси рақс ўқитувчилари ўзбек милий рақслари ва меросий рақсларни бирлашиб келмоқда. Талабалар зўр қизиқиши билан ўзбек рақс санъатини ва меросий рақсларни ўрганишмоқда. Рақс ўқитувчилари бу меросий рақсларни асл ҳолича, қандай саҳналаштирилған бўлса, шундай ўргатиши керак. Устозлар саҳналаштирган меросий рақслар авлоддан-авлодга ўтиб абадий яшайди.

Муборак ДЕҲҚОНОВА
Саҳна ҳаракати кафедраси ўқитувчиси

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш» йили деб аталиши халқимизга янада меҳр-оқибатли бўлиш, кексаларимиз ҳаёт йўллари, ибратли ишларидан ўрнак олиш учун имконият берди. Бу борада юртимизда ибратли ишлар олиб борилаяптики, булар келажак авлод учун катта мактаб йўлини ўтайди.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтидаги мунтазам бўлиб ўтаётган тадбирларнинг барчаси келажагимиз бўлган ёшларни билимли, баркамол қўлиб етишишларига қаратилган.

Яқинда институтимизнинг ўқув театрида «Кексаларни эъзозлаш» йили муносабати билан ўтказилган «Эҳтиром» деб номланган тадбир, юртбoshимишининг сўзларига жавобимиз бўлди, десак муболага бўлмайди. Халқ ижодиёти ва анъанавий кўшиқчилик кафедраси ўқитувчиси Озода Ёрова ҳамкаслари ва шогирдлари билан ташкил қўлган кечага кексала-



римиз билан бир қаторда ёшлар ҳам ташриф буюрдилар. Ижро этилган ашула ва қўшиқларнинг мазмуни инсонларни бир-бира га меҳр-оқибатли бўлишга, Ватанга муҳаббат, кексаларни эъзозлашга қаратилган бўлиб, катнашчиларнинг олқишиларига сазовор бўлди. Айниқса, бу тадбирда уруш ва меҳнат фаҳрийси 95 ёшли Омонбой Ёровнинг иштироклари, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг Ватанга муҳаббат, кексаларга ҳурмат ҳақидағи шеъларли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган арист Аҳмаджон Даҳаевнинг дил тортар қўшиқлари кечага янада файз бағишлади. Мана шундай тадбирлар институтимизда бундан бўён ҳам тез-тез ўтказилиб туришини иштирокчилар ва келган меҳмонлар таъкидлаб ўтилар.

Бахром ЮСУПОВ
Халқ ижодиёти ва анъанавий
кўшиқчилик кафедраси мудири, доцент



Диёрим тенги йўқ хур Ўзбекистон, Жаҳон оросию, зебо гулистан. Неча ёсам эрур кам мингта достон, Шу юрт фарзандиман йўқ дилда ором. Шу юрт сарҳадларин кездим ва билдим, Шу юрт тупроғида дунёга келдим. Ватан борин-йўғин шунга ётилдим, Шу юрт фарзандиман йўқ дилда ором. Ватан фарзандларига соябондир, Ватан ул онадур, уз меҳрибондир. Ватан — бу жон томирлар ичра қондир, Шу юрт фарзандиман йўқ дилда армон. Темурхон тенги йўқдир ҳарбу зарбда, Навоидек даҳо борму адабга. Ватан меҳри мудом пайваста қалбда. Мен ўзбек ўғлимани йўқ дилда армон. Элим донгдор, буюк фарзандларинг бор, Улар ҳар жабҳада дунёда номдор. Замин йўқим сенингдек ҳуснкор, Мен ўзбек ўғлимани йўқ дилда армон.

Оролмира САФАРОВ
Анъанавий кўшиқчилик кафедраси в.б. доценти



«Ўткан кунлар» таассуроти

Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини мутолаа қўлиб, хаёлан ундаги қаҳрамонларнинг дарди, ички кечинмаларини ҳис қўлган ҳолда улар билан сұхбатлашгандай бўламан.

Кумуш... Гўзалликда тенги йўқ ўзбек аёли. Ҳар қандай ўзбек қизи унга ҳавас қиласи. Лекин аччиқ кисматига ачинади. Унга бир айтар сўзим бор. Тўғри, сен иродали, ақрәли, доно, довюрак ўз ўрнида латофатинг ва иффатинг билан ажраби турасан. Лекин ўз хуснингга, гулдек юзингта мағурсан. Бу мағурлигин бир кун сенинг бошинга етди. Бир заҳри қотил олдида таслим бўлдинг. Афсус!

Отабек... Сизга мен ҳақиқий севгининг тимсоли сифатида қарайман. Нимагаки, бугунги кунда ўзларини Фарҳод, Отабек санаб юз бир дилга севги изҳор қўлувчиларни кўрганда, муҳаббатнинг баҳоси шунчалик арzon эканми, дейа ўйлаб қоламан.

Жасур ва енгилмас Отабек! Сиз катталарнинг ўз фарзандлари учун қўлган ишлари баъзан номақбул бўлиб қолишига ишонмадингиз. Ўз севгингиз замона зайли билан курбон бўлди. Тўғри, сиз замонга боқдингиз, лекин замон сизни қўлламади. Энди тушунгандирсиз хатойингизни. Ахир, меҳрибон ота-онангизни қалбига йўл топиб, измингизга солсангиз бўларди, аммо...

Зайнаб... Эҳ, шўрпешона севги курбони. Сен биргина қурбонлик билан севги деган муқаддас туйғуни ўзингта бўйсундирмоқчи бўлдинг. Эҳ, итоаткор, иродасиз қиз. Нукул ўзгалар изми билан иш кўрдинг, тақдирингни ўзгалар ихтиёрига топшириб қўйдинг. Сенинг ожизлигинг сени жиноята йўллади. Сен ўз худбинилитингдан балоларга йўлидинг. Сенга ачинаман баҳтиқаро қиз. Севгинг учун одилона ҳаракат қила олмадинг. Афсус!

Чарос ҲАМИДОВА
Санъатшунослик журналистикаси
бўлими 4-курс талабаси,
Навоий номидаги Давлат стипендияси сориндори



«Техноген эволюцияси — санъатшунос нигоҳида» деб номланган китоб «Кино санъати, телевидение» ихтисослиги бўйича катта илмий ходим-изланувчи Элдор Юлдашевнинг илк муаллифлик иши. Мазкур тадқиқот иши 2015 йил Германиянинг Саарбрюккен шаҳридаги «Lambert Academic Publishing» нашириёти таклифига кўра чоп этилган. Унда муаллифнинг 20 дан ортиқ илмий, назарий ва фалсафий мавзудаги энг сара мақолалари жамланган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг аксарияти Европа ва МДХ давлатларининг нуфузли илмий журналларида нашар қилинган. Уларда техноген санъатининг юртимиздаги тараққиёти, ривожланиши босқичлари, сўнгги ютуқлари, мўаммо ва ечимлари борасида сўз юритилган. Муаллифнинг ушбу тадқиқот иши юзасидан олиб борган изланишлари, таҳлил, хулосалари аниқ факт ва далилларга асосланганлиги билан эътиборга сазовор.

Ўйлаймизки, мазкур китоб шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишларига амалий ёрдам беради.

«Театр санъати» мутахассислиги 1-курс магистранти Шоҳруҳ Абдурасуловнинг «Адабиёт. Саҳна. Инсценировка» (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2015 й.) номи билан нашрдан чиқсан адабий-танқидий рисоласи саҳна санъатининг драматик манбага бўлган эҳтиёжини қондиришда эпик асарларнинг ўрни, ҳикоя, қисса, романларни саҳна тилига кўчиришнинг ўзига хос хусусиятлари, театр ва адабиётнинг синтезлашиши ҳодисаси каби масалаларга бағишиланган. Ёш тадқиқотчи пойтахт театрларida сўнгти беш йил давомида саҳналаштирилган спектаклларни саралаб олиб, уларни адабий матн билан муқояса қиласи, китоб ва саҳнанинг имкониятлари хусусида мулоҳаза юритади. Рисолада миллий ва замонавий ўзбек адабиёти, жаҳон бадиий дурдоналарига мурожаат аносисида яратилган спектакллар таҳлил қилинган. Шунингдек, китобга муаллифнинг мавзу юзасидан ўзлон қилинган мақолалари, сұхbatлари, инсценировка асосида саҳналаштирилган спектакллар рўйхати кирилган. Сўзбоши муаллифи санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тешабой Баяндиеv, масъул муҳаррир «Театр» журнали бош муҳаррири, ёзувчи Эркин Усмонов.

Мазкур рисола ўқитувчи-педагоглар, театршунос, санъатшунос талабалар ва саҳна санъати ихлосмандларига манзур бўлади, деган умиддамиз.



ТАҲРИРИЯТ

устидан куляйман. Лекин ҳалиям «Малибу»дан дарак йўқ.

Кўзойинк олиш учун онтиқага бордим. Доктор ёзиберганидан бир размер каттасини олдим (+1 эмас, +2). Кайтага яхши, келаси йил ҳам тақаман.

Ажойиб ҳаводан илҳомлани, хонамда шеър ёзиб ўтирасам, отам «Тур, молдара ўт бер» деди. Илҳомманинг хўрлиги келди, ичимдаги шоирлик руҳи ўлди...

Бобом билан бувим тўйларидан 2 кун олдин жанжаллашиб қолишибди. Бобом жаҳи билан кубартини деворга қараб отиди, у пайтларда «сотка» бўлмаган-да.

Муаллиф @the_inson



**Муҳаррам
БОЗОРОВА**
Девонхона нусха
кўчирувчisi

КЕТМА, БАҲОРИМ

Кўзларимда барқ урар, Ошкора кувончларим. Бепарвонлик истамам, Қалбимда ишқу оташ. Сени сарлавҳа этиб, Куйлагим бор замондош. Хаёлларим чалғитиб, Зарра солма қалбга ғаш. Суянчигим ўзингсан, Олгум бор сендан оташ. Илҳоми жўшар қалбим, Сендан кетма — баҳорим. Зулмат этиб ҳаётим, Улоқтира қаламим. Ҳаётимнинг қўшиғи, Жарангисан — баҳорим. Ям-яшил чаман гулзор, Сехрлаган гулми, ёр? Кувончларим боиси, Шеър ишқи ва сен баҳор. Умримга бўлиб зийнат, Баҳорим, келтиридинг баҳт. Халқим кўйлай қилим аҳд. Илҳомбахш ўзинг албат, Қалбда қол, баҳор абад!

КАЙРОКИ ИБОРАЛАР

«Футболда нега ишимиз юришмайти?» деган саволни ўйлаб, бাযзан тунлари уйғониб кетаман. «Эй, буну бир тунда ўзинг ҳал қилмайсан», деб яна ухлайман.

Уйда мен коса синдирасам, «кўрмисан?» деган гапни ўшишмайман. Онам синдираса, «Келган балоқазо шунга урсин», отам синдираса, «Буни бу ерга ким кўйд?» дейилади.

Кечак ухлаб ётсан, жияним тутишиб, «Тоға, ухлайпизми?» дейди. «Йўқ, зарядкам кетиб қол-маслиги учун эконом режимда ётибман», дедим.

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир ҳайяти:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРКЎЗИЕВА
Антонина КОШЕЛЕВА
Умиди ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи-дизайнер:
Бахром БОБОЖОНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улуғбек тумани, Ялонгоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета олар ойнинг охирги хафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчик тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот башкармасида № 02-00166 рақами билан

2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинганд.

1 2 3 4 5